



Ало ад-Дин Мухаммад II (1169–1220) — Хоразмшохлар сулоласининг йирик хукмдори бўлиб, 1200 йилдан 1220 йилгача Хоразмда хукмронлик килган. У Хоразмшох Текешнинг кичик ўгли эди ва ундан улкан империяни, Гургандж пойтахти билан бирга мерос килиб олган.

Ижтимоий келиб чиқиши ва салтанати

Мухаммад II хакида ёзган тарихчиларнинг маълумотларига кўра, у ўзини турк деб ҳисоблаган ва араб тилида яхши сўзлаша олмаганини таъкидлаган. Айрим манбаларга кўра, у огузларнинг бегдили уругидан чиккан. Турк ва форс тарихчилари Ануштегин сулоласи хакида турли фикрларни билдирган бўлиб, унинг чигил, кипчок ёки уйгур кабилаларига мансублиги хакида бахслар мавжуд.

Мухаммад II ўз хукмронлигини Гурийлар билан урушдан бошлади. Гурийлар Хоразмнинг бир қатор стратегик шаҳарларини, жумладан, Марв, Нишопур ва бошқа ҳудудларни босиб олди. Мухаммад II уларни кўшин билан қайтаришга ҳаракат қилди, аммо бир неча шиддатли жанглардан сўнг Гурийлар билан сулҳ тузишга мажбур бўлди. Кейинчалик Шихоб ад-Диннинг ўлдирилиши билан бу хавф йўқолди.

Карахитойлар ва Ислом галабаси

Гурийларга қарши галабадан сўнг, Мухаммад II Карахитойларга қарши курашни бошлади. У 1210 йилда Сырдарё бўйидаги Иламш майдонида Карахитойлар устидан галаба қозонди. Бу галаба мусулмон оламида Исломнинг "кофирлар" устидан қозонган зафари сифатида қабул қилинди. Мухаммад II "Искандар Соний" (иккинчи Искандар) ва "Султон Санжар" унвонлари билан шарафлантирилди.

Мўғуллар билан тўқнашув

1218 йилда Чингизхон Хоразмга савдо алоқаларини ўрнатиш учун элчи жўнатди. Аммо Мухаммаднинг вакили Иналчук Кайирхон элчиларни қатл қилди. Бунинг натижасида 1219 йилда Чингизхон Хоразмга юриш бошлади. Мўғул кўшинлари Хоразмнинг асосий шаҳарларини босиб олди ва уларни вайрон қилди. Мухаммад II армиясини шаҳарлар ва қалъаларга тарқатиб, ўзини химоя қилишга ҳаракат қилди, аммо бу сиёсат унинг салтанатини саклаб қолишга имкон бермади.

Сўнгги кунлари ва ўлими

Мухаммад II 1220 йилда хукмронлигини йўқотиб, Мозандаронга чекинишга мажбур бўлди. У ерда Абескун оролига бориб паноҳ топди, аммо у ерда пневмония касаллигидан вафот этди. Рашид-ад-Диннинг маълумотларига кўра, Мухаммад II вафотидан аввал ўгли Жалолиддин Манкбурнини ўз меросхўри деб эълон қилган.

Оиласи ва авлоди

Мухаммад IIнинг бир неча хотини ва фарзандлари бўлган. Унинг бир нечта ўгиллари давлат ҳудудларида бошқарувчи этиб тайинланган. Аммо мўғуллар томонидан унинг кичик ўгиллари қатл этилган, хотинлари ва кизлари эса асир олиниб, Чингизхоннинг кўмондонларига тақдим қилинган.

Мухаммад II Хоразмнинг энг шонли ҳукмдорларидан бири бўлиб, унинг даврида Хоразм қудратли давлатга айланган, аммо унинг мўғуллар билан урушдаги сиёсий ва ҳарбий ҳатолари давлатнинг ҳалокатга юз тутишига сабаб бўлган. Минглаб мусулмонлар ўлдирилишига сабабчи бўлган. Ватани учун жанг майдонида курашмай қочган жойида шамоллаб ўлиб кетди....

Абу Муслим